

Аллоҳ таоло аёлларга нимани буюрди?



14:00 / 18.03.2022 4654

Гоҳ-гоҳида инсон ҳуқуқи, аёллар эркинлиги, озодлиги, ҳуррияти деган чиқишлари кўзга ташланади. Хўш, улар чиндан ҳам шу нарсаларни истайдиларми?

Ваҳоланки, Аллоҳ таоло аёлнинг назокатини ва иффатини сақлаш учун унга азон ва иқомат айтишни ман этган бўлсада, бироқ озодлик, ҳуррият, эркинлик аёллар ҳуқуқи деб жар солувчилар аёлнинг саҳналарда қўшиқ айтишига рухсат бердилар.

Аллоҳ таоло аёлнинг нозиклигини ва иффатини сақлаш учун ундан жума ва жамоат намозларида ҳозир бўлишни талаб қилмади. Жар солувчилар эса аёлга театр саҳналарида роль ўйнашга рухсат бердилар.

Аллоҳ таоло аёлнинг иффатини ва ҳаёсини сақлаш учун уни Сафо ва Марва орасида югуришдан ман этган. Жар солувчилар аёлни олимпиада ва спорт мусобақаларида югуриб беллашадиган қилиб қўйди.

Аллоҳ таоло аёлнинг иффатини ва ҳаёсини сақлаш учун агар аёлнинг маҳрами бўлмаса ундан Ислом рукнларидан — ҳажни соқит қилди. Анавилар эса аёлларни турли сафарлар ва саёҳатларга маҳрамсиз борадиган қилиб қўйди.

Аллоҳ таоло аёлнинг аёллик латофатини ва зийнатини сақлаш учун ҳаж, умра ибодатини якунлагач сочини тагидан олдириш ўрнига баъзи кокилларида бироз олиб қўйишга рухсат берди. Анавилар эса аёлларни сочини калталатишига ва ҳатто эркакларникига ўхшатиб модали турмаклар қилишига рухсат бердилар.

Аллоҳ таоло аёл кишига яширин зийнатларини номаҳрам кимсалар эшитиб қолмасликлари учун оёқ ва бошқа аъзоларга тақилган тақинчоқларни бошқаларга билинтирмасликка амр қилди. Анавилар эса аёлни зийнатлаб, хушбўйлантриб, чиройини очиб, тор, юпқа, калта либосларда кўчага чиқармоқдалар. «Хуррият» деб жар соладиганлар аслида аёлнинг эркинлигини, «хур», «озод» бўлишини истамайдилар, балки аёлга осон эришиш йўлини истайдилар.

Нозимжон Ҳошимжон таржимаси.

Муҳаррир Хуршид Маъруф.